Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 16 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 78 (6775)

Даъват

Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир, агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим.

А. БАРБЮС

Ибрат

Шурчи туманидаги 40 нафар ўқувчи ҳар чоракда 500 сўмдан стипендия оладиган бўлди. Уни Шўрчи туман халқ таълими бўлими «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

INTERNET

Билл КЛИНТОН: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯЁТГАНИДАН МАМНУНМАН

Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгаяётганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан, шундай деди:

«26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустаҳкам муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурматга сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадамларини маъқуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожи ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараённи қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса, хурсандмиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўрта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч- эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур таклифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдирамиз».

АССАЛОМ, ЯНГИ МАКТАБ!



«Узбекистон — келажаги буюк давлат». Юртбошимизнинг чуқур таҳлиллар асосида айтган гапи мустақил давлатимиз тараққиётида яққол кўзга ташланаётир. Катта-катта корхоналар ишга тушаяпти, миллий мафкурамиз равнақ топаяпти, маънавий қадриятларимиз тикланаяпти. Бир сўз билан айтганда, республикамиз ҳаётида ҳар куни қатор-қатор янгилик ва воқеалар бўй кўрсатаяпти.

Куни кеча ана шундай воқеалардан бири Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида ҳам юз берди. Туманнинг аҳоли зич жойлашган Қушбеги мавзесида барча қулайликларни ўзида жамлаган 1250 ўринли янги 319-мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, 8 йил илгари бошланиб, қурилиши тўхтаб қолган мактабни ишга тушириш ўз-ўзидан бўлмади. Мактаб қурилиши туман ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, кўплаб ташкилот ва муассасалар ташаббуси билан қисқа муддат — 5-6 ой ичида тугалланди. Бунда 159-қури-

(Давоми 2-бетда)



Ёш авлодда Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини сингдиришда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ибратли ишларни йўлга қўймоқда. Хусусан, «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» мавзуида иншолар қурик-танловининг ўтказилиши фикримизнинг далилидир.

Куни кеча Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида пойтахтимизнинг ўн бир туманидан ғолиб ўқувчилар қатнашиб, иншолар қурик-танловининг III тур босқичи ўтказилди. ТШХТББ 1-

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

тоифали назоратчиси Мукамбар Азимова, ШУМОИ директор ўринбосари Динара Алиева, услубчи Феруза Муҳамедова ўқитувчиларнинг ижодий ишларига омад тилаб, Узбекистон келажаги шу ёшлар қўлида эканини айтдилар. Бундан руҳланиб иншо ёзган қатнашчилардан Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб ўқувчиси Умида Салимова, Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб ўқувчиси Маҳбуба Абдуллаева, А. Икромов туманидаги 287-мактаб ўқувчиси Саодат Ҳакимовалар фахрли 1, 2, 3-ўринларни эгалладилар.

Бундай мавзуларда иншолар танловининг ўтказилиши ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи билимининг кўзгуси. Шу сабабли бу иншоларнинг барчаси ТШХТББ «Ахборот» тўпламида нашр этилиши ҳақидаги хабар бизни хушнуд этди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, иншолар танлови ҳайъат аъзоси.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Икки ҳафта бурун Кобулни эгаллаган «Толибон» қўшинлари энди уни ҳукумат аскарларидан ҳимоя қилишга тайёрланяпти,— деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс.

⊛ Толиблар Кобулда картина ва видеокассеталар, журналлар ва газеталарни ёқиб ташлашмоқда, маъмурий биноларни бузишмоқда, — деб хабар беради Би-би-си. — Улар ҳарбий вазиятни ўз назоратларида сақлашга ҳаракат қилишмоқда, лекин «Толибон» тарафдорларининг айрим қисмлари Кобулга қараб ҳаракат қилаётган ҳукумат қўшинлари томонга ўтиб кетмоқдалар.

⊛ Рейтер агентлигининг хабарига кўра, толиблар пойтахт Кобулга томон чекинмоқдалар. Бу «Толибон»га қарши чиққан афғон раҳбарларининг эски гиналарни унутиб бирлашганларидан сўнг содир бўлди.

«Интернет»дан.

⊛ Тошкент шаҳри ҳокимлигида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарувида шаҳар хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида мазкур уюшма, «Ўзбекистон — Вьетнам» ва «Вьетнам — Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари ўртасида 1996—97 йилларда ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир неча долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Изланиш, тажриба, натижа

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ – БАРЧА ФАНЛАРГА ДАХЛДОР

Бугунги кунда халқ таълими ходимларининг олдида таянч таълимига эга бўлган ва мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни ўз хусусий хўжаликларини юрита оладиган, молия ҳисоб илмларини тушунадиган, ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир тадбиркор қилиб тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли вазифа турибди.

Ҳаммага маълумки, касб-ҳунар маҳорати иқтисодий билим билан тўлдирилгандагина тадбиркорликка айланади. Шундай экан, умумтаълим мактабида иқтисодий таълимнинг бир бутун тизимини вужудга келтириш ва ўқувчиларга шу асосда иқтисодий таълим бериш — давр талабидир. Бир неча йиллар давомида мактабимизда олиб борилган педагогик тажрибалардан келиб чиқиб, ўқувчиларга иқтисодий таълим беришга доир ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Иқтисодий таълимнинг мақсади ўқувчиларга фанлардан олган назарий билимларни амалда қўллашлари учун шароит яратишдан иборат. Бу ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни жорий этишнинг аҳамияти халқ хўжалигида малакали ишчининг тутган ўрни ва унинг ишлаб чиқариш учун нақадар зарурлиги ҳақида тушунча бериш билан характерланади. Бу иш мактабда иқтисодий билим асослари, математика дарслари орқали амалга оширилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларда иқтисодга оид дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш мақсадида оила бюджетига доир оддий мисоллар келтириш, масалалар тузиш, рўзғорда сарф бўлаётган маҳсулотлар рўйхатини тузиб келиш, миқдорини аниқлаш, кирим ва чиқимларни ҳисоблашга доир топшириқлар бериш мақсадга мувофиқдир. Бу оддий ҳаётий ҳақиқат билан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Математика дарсларида таннарх, ҳосилдорлик, юк ташиш, сув таъминоти ва бош-

(Давоми 3-бетда).

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МАОРИФ ОЛАМИДА

КОЛУМБДАН 12 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ

Америкага оқ танли одамлар қадами теккан, деган АҚШ антропологларининг даъволари амалда исботланди. Олимлар Вашингтон штатидаги Колумбия дарёси бўйидан оқ танли инсон суягини топишди. Углерод билан ўтказилган тадқиқотлар суяк 9300 йил олдин вафот этган одамга тегишли эканлигини кўрсатди.

КОИНОТДАН УМИД

Узга цивилизацияни қидириш билан машғул радиоастрономлар бу гал назарларини кичик Магеллан булутларига — Қуёш системасидан 190 минг нур йили узоқликдаги галлактикага қаратишди. Келаётган нурларни таҳлил этган олимлар бирор бир сунъий сигнални топмадилар. Тадқиқот Австралиядаги Паркс обсерваториясида ўтказилди.

ГЕРМАНИЯ ЮТУҚЛАРИ

«Хогснук телеком» компанияси тузган телефон аппрати муъжаз шаклда бўлиб, уйга яқинлашилса, ўзўзидан оддий телефон тармоғига уланиб ишлайверади, яъни иқтисодий томондан мақбул Германия космос конструкциялар институтида эса биринчи марта қуёш нурлари ёрдамида учувчи дирижабль яратилди. Газ билан ишловчи илк дирижабль эса ўтган аср бошларида ишланган.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда мутахассислари диққатига!

ДОИМИЙ АНЖУМАН ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказилаётган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжумани(ЎТДА)нинг навбатдаги йиғини 1997 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Анжуман «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуси муҳокамасига бағишланади. Йиғин таълимнинг барча бўғинларида она тили, эски ўзбек ёзуви, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синф(гуруҳ)ларда ўзбек тили ҳамда янги алифбони ўрганиш машғулотларида матн устида ишлаш масалалари хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларининг юқорида зикр этилган мавзу юзасидан мунозарали маърузалар билан ЎТДА тўртинчи йиғинида иштирок этишларини сўрайди.

Маърузанинг 1-2 бет ҳажмдаги қисқача баёнини (машинка ёзувида) 1997 йил 1 январгача Тошкент — 27, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй, Республика Таълим маркази «Ўзбек тили» доимий анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Тезисларда иш жойингиз ва уй манзилингизни кўрсатишни унутманг.

Она тилимиз жонкуярлари, баҳсга, мунозарага марҳамат!

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ.

(3-бетга қаранг).

3-бетда:

Амир Темурнинг ўсмирлиги қандай ўтган?

— ● —

Биринчи ўзбек диафильми яратилди

Қарор ва ижро

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишлари, ўзларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш, таъминлаш борасида катта босқич ҳисобланади.

Ҳозирги иқтисодий мураккабликларга қарамай, республикамиз мустақилликка эришган давр — беш йил мобайнида 560 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб биноларининг фойдаланишга топширилгани қувонарли ҳолдир. Аммо, шунга қарамай, чекка жойлардаги мактабларда ўқувчи ўрнининг етишмаслиги, уларнинг замон талабларидан ортда эканлиги ҳам маълум. Бунга сабаб, аҳолининг ўсиш суръати ва айрим жойларда мактаб қурилишига кам эътибор борилаётганлиги кабилардир.

Қишлоқ мактабларининг аҳволи, авария ҳолидаги мактаб бинолари ҳақида «Маърифат» газетасида бир неча йилдан буён мунтазам равишда мақолалар бериб борилаяпти. Бу борадаги муаммолар кўп марта кўтарилди ва жойларда тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Лекин кейинги пайтларда мазкур масала хусусида кам гапириладиган бўлиб қолинди. Эҳтимол, авария ҳолидаги ўқув бинолари тугатилгандир?

Қани энди шундай бўлса!

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида мактаблар қурилиши борасида анчагина муаммолар бор экан. Жойларда оталиқ ташкилотлари томонидан мазкур муаммоларни бартараф этишга аллақачон киришилган, лекин ёппасига бошланган ишнинг жорий йилга келиб тўхтатиб қўйилганлиги кишини таажжубга солади. Далилларга ўтамиз.

Туманнинг Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги 5-мактаб биноси 3 та ўқув корпусидан иборат бўлиб, 1000 ўринли ҳисобланади. У 1957 йили қурилган. Мактабнинг 320 ўринли биноси авария ҳолида, ҳозир унда 360 бола икки сменада таҳсил олади. Хўжалик ҳудудида 1989 йил давлат ҳисобидан 624 ўринли мактаб биноси қурилиши бошланган. Бунда ер ишлари бир оз бажарилган, кейин эса шундай ҳолича қолиб кетган.

(Давоми 2-бетда)

МММ — ХАБАРЛАРИ

БАНК СИНФИДА МАШҒУЛОТЛАР

Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактабда янги ўқув йилидан бошлаб банк синфи очилди. Ҳозир ушбу синфда 25 нафар иқтидорли ўқувчилар таълим оляпти.

Банк синфидаги машғулотларни мактабни ҳомийликка олган вилоят миллий банк ходимлари ўтказишмоқда.

TALABLAR ASOSIDA

Marhamat qishloq fuqarolar yig'ini hududidagi 34-hunar yurti bugungi kun talablari asosida xalq xo'jaligi va qishloq xo'jaligi jabhalariga kadrlar tayyorlamoqda. Mazkur bilim dargohida bu yil 575 nafar o'quvchi kichik biznes hisobchisi, menejer, kosibchilik, avtochilangar, fermer chorvador kabi ixtisosliklar bo'yicha hunar o'rganmoqdalar.

МИСРГА САЁҲАТ

Бугун истиқлол шарофати билан кўплаб талаба ёшларимиз чет элларга бориб тенгдошлари ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар. Яқинда Тошкент давлат Санъат институтининг бир гуруҳ талабалари шундай бахт соҳиблари бўлишди. Улар афсонавий мамлакат — Мисрга саёҳат қилиб қайтишди.

Йигирма кун давом этган ушбу саёҳатнинг ҳар куни талабаларимиз ҳаётида бир олам таассурот бўлиб муҳрланиб қолса, ажаб эмас.

ТЎЙГА ТЎЁНАЛАР

Бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд кунларини нишонлаш учун бугун барча жойларда қизғин ҳозирлик кетаётган бир пайтда кино ижодкорларимиз ҳам мазкур тўйга ўз тўёналари билан қатнашмоқда. Шу кунгача 10 та ҳужжатли ва 1 та бадиий фильм тайёрлаб, намойиш этилди. Жумладан, «Темур даври ёдгорликлари», «Темур тузуклари», «Мирзо Улуғбек» каби илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар бобомизнинг юбилей тантаналари кунларига, шубҳасиз, катта совға бўлади.

МУАЛЛИФЛАР: Ш. КЕЛДИЕВ, A. ERALIEV, Ф. АБДУРАҲИМОВА, А. ТАШАНОВ.

АССАЛОМ, ЯНГИ МАКТАБ!

(Боши 1-бетда).

лиш трестига қарашли 9, 21, 51-қурилиш бошқармаси қурувчилари астойдил меҳнат қилишди.

Яккасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов янги мактаб очилишига бағишланган тантанани қисқача кириш нутқи билан очгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон байроғини кутариш Республика Кик-боксинг федерацияси президенти, Яккасарой туманидаги «Биллур» спорт мактабининг директори, 319-мактаб директорининг собиқ ўқувчиси Ботир Зокировга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевга сўз берилди. Вазир янги мактабнинг фойдаланишга топширилишини катта воқеа, деб баҳолади. Маорифчиларни халқ таълими тизимига катта жамоа қўшилгани билан қутлади. Шунингдек, у келажак ва маънавият, ҳукуматимизнинг таълим-тарбияга эътибори, мактаб иши — умумхалқ ишига айланаётгани тўғрисида сўзлади.

Муҳташам бино қурилишида жонбозлик кўрсатган инсон, 9-қурилиш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Толипов 319-мактабнинг рамзий калитини илм маскани директори Улмасхон Юнусовага тантанали равишда топширди. Мактаб раҳбари янги бино қурилишида унга елкадош, ҳамнафас бўлган қурувчиларга, дўстларига, ўқитувчиларга, маҳалла аҳлига — бу кунни орзиқиб кутганларнинг барчасига ташаккур айтди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ҳам қурувчилар меҳнатини алоҳида мамнуният билан тилга олди. Сўнгра мактаб ишга тушишида жонкуярлик қилганларнинг бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланганлигини маълум қилиб, уларга мукофотларни топширди ва тўнлар кийдирди.

Қўшни 127-мактаб ўқувчилари табриги, 352-болалар боғчаси «Райҳоной» гуруҳи чиқишлари тантанага ўзгача руҳ бағишлади.

Шундан сўнг энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди: рамзий лента қирқилиб, тантана иштирокчилари янги бинога қадам қўйдилар. Илк қўнғироқ чалиниб , чиройли жиҳозланган синфхоналарда машғулотлар бошланиб кетди...

Ёшлари билимдон мамлакатнинг келажаги буюк бўлади. Биз тантана давомида ҳар бир иштирокчи (ҳокимлик вакилидан тортиб, оддий ишчигача) руҳида ана шундай олижаноб туйғуни пайқадик. Бу руҳ, бу туйғу янги изланишларга, янги қурилишларга замин яратишига иймон келтирасан киши. Улар — буюклик белгиларидир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Суратларда: 319-мактабдаги тантанали лаҳзалар ва синф хоналардаги машғулотлар жараёни акс этган.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Олий таълим янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК

1994 йил октябрь ойида Тошкент давлат техника университетида Малайзия давлатининг «Ренонг Берхард» компанияси билан ҳамкорликда «Бизнес бошқарув факультети» ўз фаолиятини бошлади. Факультетнинг асосий мақсадларидан бири— миллий орзу-истакларни ва интилишларни кўра оладиган ва амалга ошира оладиган, теран фикрловчи, юксак идрокли, зеҳни баланд, миллатни бошқара олиш хислатларига эга бўлган, ҳозирги вақт жамиятда бўлиб ўтаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг талабаларни тарбиялашдир.



Янги факультетга ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат тасарруфида бўлган олий ўқув юртлари кундузги бўлимларининг 1-курсини муваффақиятли тугатган талабалар қабул қилинади. Бугунги кунда факультетда 260 нафар талаба таълим-тарбия олмоқда. Ҳар йили бу факультетга 100 нафар талаба қабул қилинади. Уларнинг таҳсил олишлари учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Биз факультет ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида декан ўринбосари доктор Яҳё Мат Ҳассан билан суҳбатлашдик. Аввало, суҳбатдошимиз ҳақидаги тавсиф билан танишинг: Яҳё Мат Ҳассан 1946 йилда Малайзияда таваллуд топган. 1972 йил Малайзия физика институтини тамомлаб, «бакалавр» унвонини, 1975 йилда Буюк Британияда электроника бўйича «магистр» унвонини, 1984 йил Микротўлқинлар электроникасини лойиҳалаш ва ишлатиш бўйича «доктор» унвонини олган. Дастлабки иш фаолиятини 1972 йил Малайзия қишлоқ хўжалиги коллежида маърузачи вазифасидан бошлаган. У Малайзия давлат илмий ҳамкорлик жамияти ва Малайзия физикалар институти аъзоси. Фаолияти давомида Малайзия физика бўлими бошлиғи, Резиденциал коллеж директори, икки Резиденциал коллежлар бош бошқарувчиси лавозимларида ишлаган. 1994 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети «Бизнес бошқарув факультети»да декан ўринбосари лавозимида иш олиб бормоқда. Оилали, бир қизи бор. Суҳбатдошимиз доктор Яҳё Мат Ҳассандан факультетнинг ташкил этилиши мақсади ҳақида сўрадик.

— Бизнинг факультет «Бизнес бошқарув факультети» бўлиб, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Малайзиянинг «Ренонг Берхард» компанияси ўртасидаги шартнома асосида ташкил этилди, — деди у. — «Ренонг Берхард» компанияси 10 йил давомида факультетни маблағ билан тўла таъминлашни ўз зиммасига олди. Факультетнинг ташкил этилиши Малайзиядаги ҳолатга ўхшаб кетади, чунки Малайзиядаги турли хусусий компаниялар давлат билан шартнома асосида ишлар бажариб, тушган даромаднинг бир қисмини халққа моддий ёрдам сифатида қайтаради. Худди шунингдек «Ренонг Берхард» компанияси ҳам Тошкентда ўз фаолиятини бошлади ва тушган даромаднинг бир қисмини Ўзбекистон халқига қайтариш мақсадида факультетни ташкил қилди.

— Факультетнинг ўқитиш тизими бошқа олий ўқув юртларидагидан қандай фарқ қилади?

— Факультетимизда талабалар АҚШ ўқитиш тизимига асосланган ҳолда таълим оладилар. Бунда бир йилда 2 семестр бўлиб, ҳар бир фан бир семестр ичида тугайди ва шунинг билан бирга олдинги семестрдаги дарслар давом эттирилмайди. Семестр давомида талабаларнинг билимлари узлуксиз текшириб борилади. Масалан, оралиқ тестлари, семестр охирида натижа, суҳбат, вазифа тестлари ёрдамида талабалар синовдан ўтадилар. Ўқитиш тизимимизнинг яна бир хусусияти бу Малайзиядан ташриф буюрган профессор — домлаларнинг ҳар 4 ҳафта давомида алмашиниб, талабаларга таҳсил беришидир. Улар ўзлари билан бирга талабаларнинг мустаҳкам билим олишлари учун янги дастур асосида дарсликларни ҳам олиб келадилар.

— Факультетда асосан қандай фанлар ўқитилади?

— Факультетнинг асосий мақсади бизнес бошқарув бўлганлиги учун бизнинг ўқув режамиз ҳозирги замон иқтисодиёт, бизнес, молия каби соҳаларни ўз ичига олади. Асосан икки ихтисослик, молия ва маркетинг соҳалари бўйича ўқитилади. Биз ўқитиш тизимимизга ўзбек, рус, социология, диншунослик каби фанларни ҳам қўшимча предмет сифатида киритганмиз. Бундан ташқари яна асосий курслар мавжуд бўлиб, уларга бизнесни бошқариш бўйича дастурлар киритилган. Бу курслар менежмент, маркетинг, молия асоеларини ташкил қилади. Улар функцияси бўйича фанларга бўлинади, предметларни бирбирига боғлайди. Бу предметлар стратегик менежмент, бизнес қонунлари предметларидир. Бу талабаларнинг ўқув фанларини чуқур тушунишига ёрдам беради. Бундан ташқари яна инглиз — бизнес тили номли ўқув фани ҳам бор. Уни ўқитиш уч йил давом этади. Бу курслар нутқнинг ҳамма фаолиятини, яъни эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзишни қамраб олган.

— Факультетнинг жиҳозланиши бошқа олий ўқув юртларидан тубдан фарқ қилади. Бунинг боиси нима?

— Факультетимизга барча жиҳозлар Малайзиядан келтирилган. Иккита катта маъруза залимиз бўлиб, бу заллар қулай шарт- шароитларга эга. Яъни талабаларнинг яхши эшитишлари учун микрофонлар, дарсларни қизиқарли ва жонли ўтиши учун аудио-видео жиҳозлар, кадро-проекторлар мавжуд. Ушбу маъруза залида бирйўла 150 талаба маъруза тинглаши мумкин. Факультетнинг асосий хоналаридан яна бири кутубхона бўлиб, унда 2000 га яқин ноёб, чет элларда нашр этилган китоблар мавжуд. Чиройли, қулай мебель билан жиҳозланган ўқув залида бирйўла 60 нафар талаба мутолаа қилиши мумкин. Кутубхона фонди тулиқ ISIS — системасида компьютерлаштирилган. Китоблар АҚШ конгресси кутубхонаси талабларига мувофиқ жойлаштирилган. Факультетимизда талабаларнинг мукаммал билим олишлари учун жаҳонда энг янги, замонавий 45 та компьютер улар хизматидадир.

— Факультетда таҳсил олаётган талабалар қандай имкониятларга эга?

— Бизнинг ўқув режамиз бўйича талабаларимиз «бакалавр» унвонини олгач, 20 фоиз иқтидорли талабаларимиз «магистр» унвонини олиш учун АҚШ, Англия, Австралия, Малайзия давлатларида ўқишларини давом эттириш имкониятига эгалар. Бугунги кунда талабаларимиз ҳали ўқишни тамомлаганлари йўқ. Лекин биз, албатта, талабаларимизнинг чет элларда ўқишларини давом эттиришлари тарафдоримиз.

— Ушбу факультетга қизиқувчи ёшларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Факультетга ўқишга кирмоқчи бўлган ёшлар инглиз тилида бемалол мулоқот қила олишлари керак. Чунки бу факультетда инглиз тилини ўрганиш бошқа соҳаларни ўрганишнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бизлар эса уларни биринчи кунданоқ менежерларга ўхшаб фикрлашга, ўзини тута билишга, кийинишга ва мулоқотга ўргатамиз, улар эса буларга доимо тайёр туришлари керак.

— Охирги саволимиз ангаванавий бўлиб қолади. Факультетда келгусида қандай ишларни режалаштирмоқдасизлар?

— Аввало факультетимиз фаолиятини яна ҳам ривожлантириш ниятидамиз. Ҳозир факультетда таҳсил олаётган талабаларимизни жаҳон андозаларига мос келадиган мутахассис кадр қилиб тайёрлашга ҳаракат қилмоқдамиз ва булардан умидимиз катта. Талабаларимиз ўзлари устида мукаммал ишлашларига бугунданоқ эришмоқдалар. Келажакда улар Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайдилар, деб ишонамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош Муҳаммад ИСРОИЛОВ.

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

(Боши 1-бетда).

Яқинда Навоий номидаги жамоа хўжалиги эски мактаб ҳудудида вақтинча 320 ўринли бинони қуриб, фойдаланишга топширмоқчи. «Иттифоқ» жамоа хўжалиги оталиғидаги 11-мактаб 1965 йил қурилган. Бино жами 480 ўринли бўлиб, унда 918 ўқувчи ўқийди. Мактаб авария ҳолидаги бинолар рўйхатига киритилган. Хўжалик ҳудудида 422 ўринли ўқув даргоҳи қурилиши учун ҳаракат бошланган. 1993 йилдан буён 50 фоиз иш бажарилиб, шундай ҳолича тўхтатиб қўйилган.

Кенжабоев номидаги жамоа хўжалиги оралиғидаги 17-мактаб 1960 йил қурилган, 820 ўринли. Шундан 320 ўринли 2 та авария ҳолидаги ўқув корпусида ҳанузгача 420 нафар бола таълим олади. Мактаб учун хўжалик ҳудудида ер ажратилган, лойиҳа тайёр. Аммо қурилишга биронта ғишт ҳам қўйилгани йўқ.

Бундай ҳолларни «Пахтаобод» жамоа хўжалиги оталиғидаги 12-мактаб, Отақулов номидаги жамоа хўжалиги оталиғидаги 18-мактаб, Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги 35-мактаб, Т. Қўзибоев номидаги жамоа хўжалиги оталиғидаги 26-мактаб қурилишларида ҳам кўриш мумкин.

Олтиариқ — Фарғона вилоятида таниқли туман. Бироқ туманда қурилиш борасида чипта емоқ каби муаммолар, камчилик ва нуқсонларнинг кўплиги таажжублантиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил май ойида қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида, умуман, қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қарорга асосан республика Халқ таълими вазирлиги 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ мактаблари моддий-техника негизини ривожлантириш борасида қарор чиқарди. Бу икки муҳим ҳужжатда ҳам янги мактаб бинолари қурилиши, қурилишда ишнинг тўхтовсиз бориши, маблағ билан ўз вақтида таъминлаш, биноларни топшириш арафасида барча жиҳоз, турли асбоблар, мебеллар етказиб бериш, ўқув-техника қуроллари билан таъминлаш ва бошқа масалалар борасида ҳам фикр юритилган. Кўриниб турибдики, янги мактаб биноларини қуриш, уларни жиҳозлаш, ўғил-қизларга юқори савияда таълим-тарбия олишлари учун етарли шароит яратиб бериш аллақачон ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилган. Олтиариқ тумани раҳбарлари мазкур масала билан жиддийроқ шуғулланишлари ҳамда кўтарилган муаммо юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашлари лозим.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз.

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактаб пойтахтдаги илғор билим даргоҳларидан саналади. Боиси, мактабда ўз касбини жондан севган, болажонларга қалб қўрини берган мураббийлар талайгина. Кўп йилларни буён ушбу даргоҳда ўз ўқувчиларига математика фанидан сабоқ бериб келаётган Доно Муҳаммадиева ҳам ана шундай устозлардан биридир. Муаллима опа айни кунларда болаларга янги ташкил қилинган банк синфларида тадбиркорлик сирларини ҳам ўргатмоқда.

Суратда: Доно Муҳаммадиева шогирдлари (чапдан ўнгга) Равшан Охунжонов, Феруза Аҳмедова, Гўзал Нурмуҳаммедова ва Лола Досметоваларга ўз билим ва тажрибаларини улашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КУЙ-ҚЎШИҚЛАР СИЗГА, ОПАЖОН

Шаҳрихон пахта тозалаш заводига қарашли «Фароғат» болалар боғчаси бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Тажрибали ва болажон тарбиячи Шокира Мўминованинг нафақага узатилиши худди байрам сингари тантанага айланиб кетди.

Шокира қарийб 30 йил давомида соғлом авлодни тарбиялаш бобида ҳалол хизмат қилди. Мазкур тантанада боғчанинг тайёрлов гуруҳи кичкинтойлари Шокира Мўминовага аталган куй-қўшиқларни ижро этдилар.

Ҳасанбой РУСТАМ.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ: ЯНГИЛИКЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

Муаммонинг учинчи ечими илмий потенциали бўлган педагогика институтларининг айрим факультетларида қўшимча мутахассислик сифатида психолог ихтисослигини бериш. Бу тажриба Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг дефектология факультетида бошланган. Аммо бунда психология фанларини ўқиш сифатига алоҳида эътибор бериш лозим.

Маълумки, психолог кадрларнинг сифатини белгилайдиган ҳам, психология фанини ривожлантирадиган ҳам олий малакали илмий-педагогик кадрлардир. Афсуски, ҳозирги кунда айрим университетларда психологиядан битта ҳам фан номзоди йўқ, айрим олий ўқув юртларида улар саноқли бўлиб, кафедраларда илмий муҳит яратиш имконига эга эмаслар. Республикадаги малака ошириш институтларининг 80% да психологиядан фан номзоди йўқ. Бу муаммони ечиш учун авваламбор олий ўқув юртларини психология ихтисослиги бўйича битираётганлар орасидан илмий-тадқиқот ишларига мойил бўлган ёшларни стажёрлик орқали ёки тўғридан-тўғри аспирантурага йўллашни фаоллаштириш, турли ўқув муассасаларида маълум педагогик стажга эга ҳамда психология фанига ва илмий-тадқиқот ишларига мойил бўлганларни ва ниҳоят, психологлар курсини тугатганлар орасидан илмий-тадқиқот ишларига мойил бўлганлардан танлаб олиб аспирантурага йўллаш керак. Бунда институтлар фақат эълон бериб қўйиш эмас, балки вилоят университет ва институтлари билан биргаликда бундай ёшларни излаб топиш ва аспирантурага таклиф қилиш керак.

Нафақат Узбекистонда, балки жаҳон миқёсида психологик хизматни ҳаётимизнинг турли жабҳаларига жорий қилиш кенгайиб бораётган, психологик билимларни оммага тарғибот қилиш кучаяётган, илгари ўқитилмайдиган аграр, иқтисод ва бошқа олий ўқув юртларининг ўқув режасига психология фанининг киритилиб, у ерга мутахассислар таклиф қилиниб, кафедралар очилаётган бир даврда битирувчиларининг 90% мактабга бориб ишлайдиган вилоят университетларида психология соатларининг қисқартирилиши, педагогика соатларининг қисқариши, соатлар билан бирга психолог кадрларнинг ҳам қисқартирилиши кишини таажжубга солади.

Психология фанига бўлган бундай муносабат ўз асоратларини кўп йиллар давомида мактабларда билдириб туради ва у таълимни ислоҳ қилишга катта зарар етказади. Муаммо Узбекистон бўйича 2-3 та психолог ўз кафедрасида иш топа олмаслигида эмас. Улар ишсиз қолмайди. Масала минглаб олий таълим олувчиларнинг бола, ўқувчи, ўқитувчи, таълим, тарбия, мулоқот, шахс психологиясини билмасдан олий мактабни битириши ва мутахассис сифатида тўлақонли бола олмасликларидадир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган университетларнинг ўқув режаларидаги психология соатлари Тошкент Давлат университетига мос келиши мумкин, чунки, унинг битирувчиларининг аксарияти илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларига йўлланма олишади.

Вилоят университетлари эса асосан халқ таълими тизими учун ишлашади, яъни битирувчиларнинг аксарият қисми мактабда педагог сифатида ишлайдилар. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз ўқув режаларидаги психология фанига ажратилган соатларни қайта кўриб чиқишлари, университетларда ишловчи психолог мутахассисларни йиғиб, уларнинг фикрини ўрганиб, тегишли ўзгаришлар қилишлари зарур. Қолаверса, университет битирувчиси қаерда ишлашидан қатъи назар, психологияни етарли ўқимас экан, бозор иқтисоди шароитида бундай мутахассисларнинг рейтинги пасайиб боради. Бу эса бир неча йилдан кейин мазкур университетни илм, билим даргоҳи сифатида рейтингининг пасайишига олиб келади. Шу сабабли бу муаммони ечишда биз вақтдан бой бермаслигимиз лозим.

Психологларни ягона мувофиқлаштирувчи органи бўлса ҳам у ўзидан кейин юзага келган уюшмаларга таяниб, узининг фаоллигини сусайтириб қўйган. Натижада Ўзбекистон психологларининг узи сон жиҳатдан ниҳоятда кам бўлишига қарамасдан 2 та уюшма, 1 жамияти бор. Янги ташкил этилганда фаол ишлаган уюшмалар ҳам маълум сабабларга кўра бебош бўлиб, ҳозир уюшма номи ва талабига жавоб бермайди. Уюшмалар орасида рақобат йўқ. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммасини бирлаштириб, ягона Узбекистон психологлар уюшмасини ташкил этиш керак. Бу уюшма ўз Низомини, психологияни Узбекистонда тараққий эттириш концепциясини ишлаб чиқиши лозим. Бу уюшма ўзга университет, институт, кафедралардаги психологларнинг МДҲ мамлакатларидаги ва хорижий давлатлардаги ҳамкасблари билан бевосита ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиши керак. Уюшма психологларнинг халқаро анжуманлари, илмий янгиликлари ҳақида ахборотлар билан таъминлаб, Узбекистон психологларининг хорижий мамлакат психологлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масаласини асосий вазифалардан бири қилиб қўйиши лозим.

Маълумки, таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўпинча адабиётлар сифатида тавсия этиладиган нашрларнинг такомили даражасига боғлиқдир. Бу борада ҳам психологларнинг олдида турган бир қатор вазифалар бор.

Психология факультети талабалари учун алоҳида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, университет талабаларининг ихтисосига оид, аграр университети талабалари учун психологиядан қўлланма, иқтисод университети талабалари учун алоҳида қўлланма, медицина институтларининг талабалари учун алоҳида қўлланма, педагогика институти талабалари учун алоҳида қўлланма, Давлат қурилиш Академияси талабалари учун қўлланмалар, таълим ходимлари малакасини ошириш институтлари учун махсус қўлланмалар яратиш лозим.

Педагогика билим юртларининг талабалари ҳанузгача эскиқи, кўп жиҳатдан бугунги кун талабига жавоб бермайдиган дарсликлардан фойдаланиб келишяпти. Бу борада Халқ таълими вазирлиги масалани махсус Илмий методик Кенгашда кўриб чиқиб, тегишли чоралар кўрди ва кейинги кенгаш мажлисларида яна кўриб чиқишни режалаштирди. Муаллифлар гуруҳи тузиб, уларга тегишли шароит яратиб, тез орада қўлланмалар ёзиб, нашриётга топширишга қарор қилинди. Шу билан бирга психологик билимларни аҳоли ўртасида тарғибот қилувчи илмий-оммабоп адабиётлар ниҳоятда кам. Психологларимиз бу масалага ҳам жиддий қарашлари лозим.

Узбекистон психологларининг жаҳон психологиясига қўшадиган, кўзга кўринадиган илмий улуши психология фанида Узбекистон психологиясининг ўз сиймоси, оригинал йўналиши, бир сўз билан айтганда, жаҳон психологлари тан олган илмий мактаби шу кунгача бўлмаган. Уни яратишга 19 йил давомида (1971-1990) биргина фан доктори, профессор бўлиб келган, шу давр ичида 30 га яқин фан номзодларини етиштирган, бутун психология фанининг оғирлигини кўтариб келган М. Т. Давлетшиннинг имкониятлари йўқ эди.

Мустақиллик йиллари арафасида ва мустақиллик йиллари фан доктори бўлган олимлар, узлари илмий мактаб яратга олишга улгурмасалар ҳам илмий мактаблар шаклланишида мустаҳкам асос солиб, пойдеворини кўтариб кетишлари мумкин ва шарт. Бунинг учун психология фан докторлари ўз илмий йўналишларидан оғишмай, ўз атрофларида истиқболли, истеъдодли, энг муҳими фанга, танлаган мавзуларига фидойи хизмат қиладиган ёшларни йиғишлари, уларни илмий жиҳатдан олим сифатида шакллантиришлари, уларга ўзлари шуғулланган мавзуларини турли «теша тегмаган» қирраларидан мавзу танлаб беришлари, уларнинг шогирд сифатида илмий ўсишига, зарур бўлганда ҳаётий муаммоларини ечишига ёрдам беришлари зарур. Шундагина илмий мактабга асос солиш ва уни шакллантириш имконияти булади. Олимлар олим бўлиб туғилмайдилар, улардаги илмий-тадқиқот ишларига, фанга бўлган лаёқатини кўра билиб, уни ўстириш ва олим сифатида шакллантириб, фан хизматига қўйиш илмий раҳбарларининг ва олий ўқув юрти ректоратларининг биринчи даражали вазифасидир.

Узи олим бўлиб шогирд етиштирмайдиган ёки шогирдлари маълум сабабларга кўра илмий раҳбаридан қочадиган кишиларни халқимиз азалдан мевасиз дарахтга ўхшатади. Бу масалага, яъни устозликка психолог олимларимиз алоҳида эътибор беришлари керак.

Олимларни танлашда фақат ақлий кўрсаткичлар эмас, балки ахлоқий сифатларга ҳам катта эътибор бериш лозим. Келажакда баъзи бир психологлар олимлик ҳужжатини олиб, психолог олимларимизнинг обрусини тўкмаслиги керак. Бошқа айрим фанларда маълум фан докторларининг илмий ва инсоний сифатлари Узбекистоннинг барча олимларига маълум. Бундай шахсларга илм-фан ва айниқса, психология фанининг дарвозасини очмаслик лозим, чунки бундай шахсларнинг илмий даражалари, унвонлари қанча юқори булса, шунчалик уларнинг фанга етказган зиёни катта булади.

Психолог олимларимиз илмий мактаб яратишда ва узларининг устозлик фаолиятида юқоридаги фикрларни ҳисобга олишлари зарур деб ўйлайман. Бу масалада фан номзодларини тайёрлашда табиий равишда айрим ҳолларда хатога йўл қўйишимиз мумкин, аммо номзодлардан фан докторларини тайёрлашда бундай хато қилишга ҳеч ҳаққимиз йўқ.

Психология фанининг ривожланиши кўп жиҳатдан метод ва методикаларни, қўлланма, услубларнинг такомиллик даражаси, этнопсихологик, этнорегионал хусусиятларга мос келиши, методикаларнинг ишончлилик даражаси, маълум методикалар бўйича норматив маълумотларнинг борлиги билан белгиланади. Аммо ҳозирги кунда қўлланилаётган методикаларнинг аксарият ечишнинг илмий, ташкилий йўллари бор.

Илмий йўли— ҳозирги аспирантларнинг маълум қисмига психодиагностикадан махсус мавзулар бериш, ўз илмий мавзуси бўйича оригинал методикалар ишлаб чиқишга ундашдир.

Илмий-ташкилий йўлларидан бири— илмий потенциали булган маълум университет лабораторияси мавзусини психодиагностикага айлантиришдир.

Иккинчиси, Истеъдод маркази лабораторияларидан бирини психодиагностика лабораториясига айлантириб, фақат методика ишлашни асосий вазифа қилиб белгилаш ҳисобланади.

Учинчи йули — Тошкент ВПХМОИ қошидаги лабораторияни мустақил Республика психодиагностика лабораториясига айлантириш ва уни илмий потенциал билан кучайтириш ҳамда Республика психодиагностика банкини ташкил қилишдан иборат.

Психологларнинг буюртмасига кўра стандарт талабларига жавоб берадиган методикалар билан хўжалик ҳисобида мутахассисларни таъминлаш Марказнинг асосий вазифаларидан бири булиши керак. Психодиагностик Марказ қошида психолог олимлардан иборат эксперт гуруҳини тузиш зарур. Бу гуруҳ янги ишланган методикаларни экспертизадан ўтказиб, лозим топганларга муаллифлик гувоҳномасини бериш, методикани эса Республика миқёсида қўллашга тавсия этиш, амалиётчи психологлар учун маълум янги методикалар бўйича қисқа муддатли хўжалик ҳисобидаги махсус курслар ташкил этиш ва курс якунида психологларни янги методикалар билан таъминлаш каби ишларни амалга ошириш лозим.

Маълумки, психология фанида ўзга фанлар каби назарияни амалиётга, фанни ҳаёт хизматига қўйиш ҳам энг муҳим муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Фан ўз йўлидан, ҳаёт эса ўзга йўлдан кетмаслиги учун ҳаётимизни янада соғлом, фаровон, бахтли, кувончли, меҳрли, ғўзал қилишимиз учун, турмушимизнинг энг аянчли, қайғули ҳолатларида психология кўнглимиздаги дардимизни олиб, меҳр малҳамини қўйишга эришишимиз учун биз бир қатор ишларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, номзодлик ва докторлик диссертацияларни экспертиза қилишда, амалий татбиқ этиш даражасига (мавзу тақозо этса), ҳимоя қилаётган номзодлар, диссертацион тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятига, амалий тавсияномаларнинг мавжудлигига эътиборни янада кучайтириш.

Иккинчидан, келажакда психологларнинг аҳолига хизмат қилувчи вилоятларда филиаллари булган илмий-амалий Марказ ташкил этиш. Бу Марказда турмушимизнинг турли соҳалари бўйича ихтисослашган психолог кабинетларини вужудга келтириш, унинг фаолиятини қисман хужалик ҳисобида ташкил этиш мумкин.

Учинчидан, вилоят ҳокимликлари тизимида психосоциологик бўлимлар ташкил этиб, улар орқали аҳоли дардини ўрганиш ва ҳокимлик қошида вилоят эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда психолог маслаҳатхоналарини очиш мақсадга мувофиқ булур эди.

Тўртинчидан, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ва уларнинг ҳомийлигида «Аҳолига психологик хизмат», «Инсонга ёрдам» маслаҳатхоналарини очиш мумкин.

***

Мазкур мақола ўзгани танқид қилиш ёки уларга ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш эмас, балки бир мутахассис психологнинг кенг омма билан қилинган ва қилинадиган ишлар устида фикр алмашиш, муҳим долзарб вазифаларга ўзини ҳам, ёшларни ҳам чорлаш мақсадини кўзлайди.

Мақолага якун ясаб, Сиз азизларга Мустақиллигимизнинг қадр-қийматига етишингизни, танлаган йўлимиздан ҳеч оғишмай сабр-чидам, ирода, тафаккур ва ташаббус билан олга юришни, шахсий ҳаётингизда Ўзбекистон Конституцияси кафолатлаган барча эркинликларга эга булиш билан бирга қалбингиз Ватанга, оила аъзоларингиз, севгилингизга, севган соҳангизга муҳаббат асири булишингизни ва бу асирликдан ҳеч кимга зиён етмаган ҳолда соф инсоний бахтингизни топишингизни тилайман. Мустақил Узбекистондаги мустақил йулингиз шарофатли булиб, психология фани хизматингизда булсин.

Ғайрат ШОУМАРОВ, психология фанлари доктори, профессор.

(Охири. Боши ўтган сонда).

1996 йил — Амир Темур йили

ТЕМУРНИНГ ЁШЛИГИ

II. ЎСМИРЛИК

Темурбек ақлли, фаросатли ва жасур бола бўлиб ўсди. У ёшлигиданоқ тенгқурларини уюштирадиган, орқасидан эргаштирадиган, «қалтис» ўйинларда ҳамиша амир бўлиб, ғолиб чиқадиган қобилият соҳиби бўлиб танилди. «Мен — фотиҳ Темур» асарида қизиқ бир ривоят баён қилинган: «Кичкина болалигимда онамдан эшитган ва хаёлимда қолган бир гап бор. Онам менга қараб: «Вой, бу бола чапақай экан», — дедилар». Бу ривоятнинг тарихий ҳақиқати бор, яъни Соҳибқирон ўнг қўлида ҳам, чап қўлида ҳам бирдай ҳуснихат билан ёзар, ҳар икки қўллари билан қилич чопар эканлар. «Мен — фотиҳ Темур» асарида Соҳибқирон 172 марта яралаганлари, бу китобни чап қўллари билан ёзганларини, ўнг қўллари қилич кўтаришга қодир бўлса-да, нозик қаламни ушлай олмаганларини айтадилар. Соҳибқирон ўсмирлигида иккала қўллари билан ҳам қалам ва қуролни бирдай ишлатганлари, устозлари ўнг қўлларини танасига боғлаб қўйиб, чап қўллари билан қилич чопишни машқ қилдирганларини таъкидлайдилар.

Соҳибқирон ўн олти ёшигача мадрасада таълим олади. Сўнг отасининг «иши»ни қўлидан олади. Оталари Амир Тароғай Темурбекни ўн олти ёшларида масжидга олиб чиқиб, ота-боболаридан қолган одат бўйича аскарларга бошчилик қилиш ҳуқуқи шу кундан унга ўтганини эълон қилади. Амир Тароғай эл олдида ўғилларига шундай насиҳат қилади:

«Биринчи. Ўз аждодларингни ҳурмат билан ёд этгин ва унутма... Бизнинг аждодларимиздан биринчи бўлиб Қорачор нўён Аллоҳга тоат-ибодат қилди: у дунё ва охират тўғрисида фикр юритганидан кейин ислом ҳақлигига иноннди ва қариндошлари билан бирга исломни тан олди...

Иккинчи. Темур, сенга қасиятим шуки, ота-боболарингдек шариат бўйича иш тут...

Учинчи. Ёдингда бўлсунким, барчамиз ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз, унинг амри билан бу кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукрона эт; унинг марҳаматига шукр қилиб, номини доим тилга олиб такрорла, унинг ягоналигига эътиқод қил, амрига итоат эт ва мамнуъ нарсаларга қўл ура кўрма.

Тўртинчи. Қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма. Ҳар бир махлуққа раҳмдил бўл.» (32-33-саҳифалар.)

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Отамнинг бу доно насиҳатларини яхшилаб тинглаб олдим ва умр бўйи уларга амал қилишга қарор қилдим.

Мен ўн етти ёшга тўлдим. Отам амир Тароғай ўзи билан овора бўлиб қолди. Шунда мен отамнинг барча йилқи ва моллари тўпладим; қўйларни юзта-юзталаб ажратдим. Қўчқорларини совлиқларидан ажратдим. Отамнинг ҳар ўн қулига бирини бошлиқ қилиб қўйдим...» (32-33-саҳифалар).

Юқорида Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуаро» асаридан Соҳибқироннинг етти яшарлигида отаси билан бир бой-бадавлат кишиникига меҳмонга боргани, Темурбекнинг унга мол-мулкни қандай тасарруф этишни маслаҳат бергани баёнини келтирган эдик. Соҳибқироннинг ўн етти ёшга тўлиб, отаси молларини ва қулларини қандай расамадлагани ўша етти ёшлигидаги ақли закосининг вояга етганда ҳам пишиб борганидан далолат беради.

Соҳибқирон оталари мол-мулкини ақл билан тасарруф қилганлари ҳақида «Таржимаи ҳол»да яна шундай ҳикоя қиладилар: «Мен йигирма бир ёшга тўлдим. Мен камолат ёшига етдим ва ўзимни етук йигит деб сездим.

Ўша йили (ҳижрий 756) еттита карралик бўлиб, отам амир Тароғайнинг ҳамда унинг ҳукмидаги одамларнинг барчасида экинлар мўл ҳосил берди, қорамоллар ҳам кўп туғди. Мен ўз хўжалигимни тартибга солишга киришдим. Ҳар ўн хизматкор орасидан каттасини ажратдим, ҳар йигирма бош йилқини бир тўдага ва ҳар ўн тўдани битта хизматкорга топширдим. Ҳар ўнта туя билан мингта қўйга қараб туриш учун ҳам бир хизматкорни ажратдим. Бутун мулкимни бошқариб боришни эса алоҳида ишончли сазовор хизматкорга топширдим.» (38-саҳифа).

Соҳибқирон оталарининг мол-мулкини бошқариш, хўжалик юмушлари билан боғлиқ юмушлар натижасида қаттиқ бетоб бўлиб қоладилар. Уйдагилар бундан қаттиқ хафа бўладилар, кўп йиғлайдилар. Бир табиб қон олгандан сўнг тузаладилар. Шукронасига кўп туялар, қўйларни, отларни қурбонлик қиладилар, камбағалларга хайр-садақа улашадилар. Аллоҳнинг марҳамати билан тезда тузалиб кетадилар. Шу кезларда Соҳибқирон Шамсиддин Кулол ҳазратларига ҳам ҳадя берадилар. Бу воқеа «Таржимаи ҳол»да шундай баён қилинади: «Бир куни амир Кулолга садақа қиламан деб йигирма қўйни олиб йўлга чиқдим. Лекин йўлда қаттиқ жала қуйиб қолди, мен ҳамма қўйларни йўлда ташлашга мажбур бўлдим ва йўлнинг давомига бир ўзим кетдим. Мен амир Кулолнинг ҳузурига икки кундан кейин етдим; лекин, во ажабо, қўйларимни авлиё амир Кулолнинг уйида кўрдим. Бу мўъжиза учун Аллоҳга шукур этдим. Амир Кулол менга қараб: «Бу турк Аллоҳнинг бутун ерларида ҳоким бўлади», — деди. Бу сўзлардан сўнг шайх Кулол номоз ўқиди, кейин яна мени буюк ҳоким бўлишимга ишонтира бошлади ва бутун кучимни дунёда исломни тарқатишга сарфлашимни сўради. Шундан сўнг шатранж ўйини ва бошқа вақти хушликлардан бутунлай воз кечдим. Менга тобе одамларга ҳеч зулм қилмасликка ҳаракат қилдим. Мен тарафимдан бировга етказилган бирор нохушликдан қалбим изтироб чекарди. Шунинг учун бировга зарар етказмасликка ва ҳаммага яхшилик қилишга интилдим». (38-саҳифа).

Соҳибқироннинг саховатпешалиги, азиз-авлиёларга, камбағалларга хайр-эҳсон қилиши ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Шундай ривоятларнинг бирида Соҳибқироннинг илм-фанга, маърифатга ташна қалб соҳиби бўлганлиги ҳикоя қилинади. «Бир куни падари бузрукворимиз Амир Тароғай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб, сайр қилиб юрув эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турган экан: қўлида қоғоз — шеър битилган. У дер эди: «Шу ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади»...

Ҳимматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди: «Отанг олдига боргил, буни отанг олдида ўқи, боргунча очма...»

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан — маъноси қуйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир...

Рубоийнинг муаллифи — ўшал қаландар аллома шоир Камол Хўжандий экан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп ҳурмат қилар эканлар.

— Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олган ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтконларини бош устида тутдим...» (Амир Темур ўгитлари, 1992, 52-саҳифа)

Соҳибқироннинг болалиги, ўсмирлиги ва йигитлик йиллари Чиғатой улусида — Мовароуннаҳрда оғир ижтимоий-сиёсий бухронлар авж олган даврда кечди. Улус ичидаги беқарорлик ва нотинчлик Қозонхон даврида (1333—1346) ниҳоятда кучаяди. Ҳокимият учун кураш, айниқса, хон билан унинг бош амири (амирул умароси) амир Қазағон ўртасида оғир кечди. Ўзаро нифоқ ва келишмовчилик охирида урушга айланди...

Ясовур ўғлоннинг ўғли Қозонхон хонлик тахтини эгаллаганида унинг акаси Халил дарвешликни ихтиёр қилиб, Термиз саййидлари ҳузурида эди. Баҳоуддин Нақшбанд пирларидан бири бўлган, Халил ота номи билан машҳур бу киши ҳам бир муҳлат Термиз вилоятини мустақил бошқаради. Баҳоуддин ҳазратлари йигитлик йилларида бир муҳлат Халил ота хизматида бўлгани манақибларда айтилади. Тахт учун курашларда Халил отанинг бирор натижага эришгани ҳақида маълумотлар кам.

Шундай қилиб, Қозонхон тахтни эгаллагандан сўнг пойтахтни Қаршидан Занжирсаройга кўчиради. Қаршидан ғарб томонда икки манзил узоқликда жойлашган (Ҳозир Муборак тумани ҳудудида) Занжирсаройда 1341 йили Қозонхоннинг суюкли қизи Сароймулкхоним туғилади. Сароймулкхоним Амир Ҳусайнга узатилади. Кейинчалик уни Соҳибқирон ўз никоҳига киритади...

1346 йили Қозонхон ўз вазири — амирул умароси амир Қазағон билан илк бор тўқнашади. Бу жангда Қозонхон енгади. Дараи Занжийда нохосдан отилган ўқ Қозонхоннинг кўзига тегиб, унинг бир кўзи кўр бўлиб қолади. Қозонхон билан амир Қазағоннинг жанги 1347 йилда бўлиб, жангда Қозонхон ўлдирилади. Шу билан Қозонхон султон Мовароуннаҳрда Чиғатой наслидан бўлиб келган хонларнинг сўнгиси бўлиб қолди. Кейинги хонлар номигагина қўйилиб, аслида ҳокимият амирлар қўлида бўлиб келди.

Ҳокимият амир Қазағон қўлига ўтган бўлса-да, мамлакатда осойишталик қарор топмади, аксинча энди тахт учун кураш амирлар ўртасида авжи қизигандан қизиб кетди. Ана шу курашларга Соҳибқирон ҳам аралашди. Бу тўғрисида «Таржимаи ҳол»да шундай дейилади: «Йигирма икки ёшга тўлганимда Ҳожи Барлос билан иттифоқлашиб, амир Қазағонга қарши қўзғолон кўтаришга қарор қилдим. Мен билан мадрасада бирга ўқиган ёш йигитлардан қирқ кишини йиғиб маслаҳатлашдим ва Арофот тоғида аскар тўпламоқчилигимни айтдим. Лекин шу пайт онам қазо қилиб қолди ва мен таъзия маросимлари билан овора бўлдим. Тез орада отам амир Тароғай Жакуй Барлоснинг қизи билан мени унаштириб қўйди.

Бир куни мен улусдагиларнинг маслаҳати билан амир Қазағоннинг мажлисига бордим, чунки отам қариб, улус билан муомала қилишга ожиз эди. Унинг ўрнига амир Қазағон билан суҳбат қилдим, сўзларим таъбига мос тушди ва у мен билан узоқ гаплашди, сўнг тўсатдан менга ўз набирасини никоҳлаб берди. Бундай шарафдан мен қаттиқ ҳаяжонландим. Амир Қазағон менга кўп нарсалар ва қорамол ҳадя қилди. Лекин амир Қазағон салтанат ишларида ношуд эди: истасам осонлик билан ундан улусни тортиб олардим. Лекин туз ҳақини мулоҳаза қилиб, сабр тариқини сулук айлаб, чидам йўлини барқарор этдим.»

Демак Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахти учун кураш айни қизиган паллаларда балоғат ёшига етиб, ижтимоий-сиёсий ишларга аралашади ва шу йили бирданига ҳам Жокуй барлоснинг қизи Нурмушк оғога ва амир Қазағоннинг невараси, амир Ҳусайнинг синглиси, амир Абдуллонинг қизи Улжой Туркон оғога уйланади. Бу воқеа 1355 йили содир бўлади. Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо Нурмушк оғодан, Умаршайх мирзо Улжой Туркон оғодан бир йилда — 1356 йили туғилади. Соҳибқироннинг қизи Оғо Бегимнинг онаси Нурмушк оғо, Султонбахт бегимнинг онаси эса Улжой Туркон оғо бўлган.

Шундай қилиб, Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик йиллари ортда қолиб йигитлик йиллари бошланди. Ҳали Мовароуннаҳр тахтини қўлга олиш учун олдинда ўн беш йиллик машаққатли ҳарбу зарблар, тоғ-тошларда сарсон-саргардонликлар, гоҳ ғалаба, гоҳ фитна-фасод, дўстлик ва хиёнатларга тўла муомала-муносабатлар довони гоҳ жилмайиб, гоҳ хўмрайиб салобат тўкиб турарди...

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
ТошДУ доценти.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ – БАРЧА ФАНЛАРГА ДАХЛДОР

(Боши 1-бетда).

қа иқтисодий тушунчалар иштирок этган масалаларни ечиш катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, масалалар тайёрлашда қишлоқ хўжалигига оид турли жадваллар, технологик карталардан фойдаланиш янада яхши натижа беради.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси, асослари физика, химия, биология, география, меҳнат фанларини ўқитиш жараёнида бу фанларнинг ўзаро алоқаси, техника тараққиётининг иқтисодиётга таъсири, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига татбиқ этишнинг иқтисодий самаралари мавзусига алоҳида эътибор бериш лозим.

Мактабимизда иқтисодий билим асослари ва математика бўйича дарсларнинг 8-9 синфларга мўлжалланган икки йиллик режаси ишлаб чиқилган. Бу режа 66 пунктдан иборат бўлиб, унда иқтисод тушунчасининг лўғавий маъносидан тортиб, унинг турмушимизда тутган ўрни ҳам изоҳланади. Иқтисод ва ҳисоб дарсларида ишлаб чиқариш воситалари, кучлари, сарф-харажати, сифат, ижодкорлик, тежамкорлик, тадбиркорлик, бизнес, менежер, маркетинг каби терминлар устида батафсил тўхталиб ўтилади.

Синфдан ташқари ишларда ҳам иқтисодий таълим бериш ўз аксини топмоғи керак. У қай тарзда амалга оширилади? Аввало табиий фанлардан ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотларни иқтисодий марказ сифатида умумлаштириш ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлабгина қолмай, фанлар орасидаги алоқани амалга ошириш имконини ҳам беради.

Иқтисод марказида шароитга қараб турли гуруҳлар тузиш мумкин. Қишлоқ жойларида «қишлоқ хўжалиги», «маданий-маиший хизмат», «қурилиш», «аҳолишунослик», «ахборотларни умумлаштириш» каби гуруҳлар тузилади. Ҳар бир гуруҳ бир неча булимлардан иборат булади. Хусусан, «қишлоқ хўжалиги» гуруҳи «деҳқончилик», «чорвачилик» булимларига, «маданий-маиший хизмат» гуруҳи «электр», «сув», «транспорт» бўлимларига, «қурилиш» гуруҳи «уй-жой», «ишлаб чиқариш корхоналари» бўлимларига ажратилиши мумкин. Гуруҳлар ва бўлимлар марказ раҳбари тасдиқлаган аниқ режа асосида иш олиб боради. Бўлимлар фаолияти «ахборотларни умумлаштириш» гуруҳи томонидан мувофиқлаштириб борилади. Масалан, «деҳқончилик» бўлими ишини ривожлантиришда қўйидагиларга эътибор берилади. Қишлоқнинг умумий ер майдонини, экин экиладиган ер майдонининг сатҳини аниқлаш, экин турлари ва улар экилган майдон, кўзда тутилган ўртача ҳосил миқдори, олинган ҳосилнинг киши бошига қанчадан тўғри келишини ҳисоблаш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига сарф бўладиган деҳқончилик маҳсулотларини аниқлаш ушбу бўлим фаолиятига мосдир. «Чорвачилик» бўлими режасига чорва молларини турларга ажратиш, уларга сарф буладиган ем-хашак миқдорини аниқлаш, моллар туёқ сони ўсишини ҳисоблаш каби ишлар киритилиши мумкин ва ҳоказо.

Иқтисодий марказнинг ахборот манбаи ўқувчилардир. Марказга ўқувчилар чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Ҳар бир ўқувчига ўзига мос вазифалар берилади.

Хуллас, иқтисодий таълим бериш серқирра ишдир. Бу вазифа умумтаълим мактабларида қай йўсинда амалга оширилишидан қатъи назар, ўсиб келаётган авлодни бозор иқтисодиёти шароитида ўз ҳаёт йўлини тўғри ва аниқ белгилаб олишига тайёрлаши керак.

З. ШЕРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти,
Косон туманидаги
51-ўрта мактаб
директори.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун амалда

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

«Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий методик анжуман ўзининг IV йиғинига тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган давр мобайнида анжуманнинг уч йиғини (Самарқанд — 1991, Қарши — 1993, Жиззах — 1995) ўтказилди. «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзусига бағишланган тўртинчи йиғин эса 1997 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Республикада илк бор таъсис этилиб, 1989 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбек тили доимий анжумани (УТДА) она тилини ўқитиш мазмунига нима берди? Шундай савол туғилиши таббиий, албатта. Мазкур анжуманнинг босиб ўтган фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишини қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган биринчи йиғин муҳокамасига тақдим этилган «Индуктив», «Ижод», «Таълим», «Ўқитувчи» рамзли муқобил дастурларнинг ҳар бири она тили таълимини такомиллаштириш, ягона мақсадга турли йўллар билан ёндашиш нуқтаи назаридан яратилган бўлиб, таълим мазмунини давр талаби ва эҳтиёжи асосида янгилаш учун қўйилган дастлабки дадил қадам бўлди. Мазкур анжуман узлуксиз таълимда она тили ўқитиш мазмунини янгилашнинг асосий йўлларини белгилашга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқди ва ўзининг навбатдаги йиғинигача бўлган даврга мўлжалланган ҳаракат дастурини белгилаб олди.

Анжуман тавсиялари ва белгилаб олинган ҳаракат дастури мақсадларидан келиб чиққан ҳолда «Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» яратилди. Концепция таълим жараёнини янгилашнинг асосий мақсад ва вазифаларини, йўналиш ҳамда тамойилларини белгилаб берди. Концепциянинг асосий ғоялари «Она тили» таълими мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари» мавзусига бағишланган анжуман иккинчи йиғинида кенг муҳокама қилинди ва маъқулланди. Тилшунос олимлар, олим-методистлар, амалиётчи ўқитувчилар, ташкилотчилар томонидан маъқулланган мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат қарори (1993 октябрь) билан тасдиқланиб, амалиётга йўлланма олди.

Таълим концепцияси мақсадларига мос келадиган янги мазмундаги ўқув-методик адабиётлар яратиш бўйича йўналишларни бирлаштириш мақсадида Бухоро вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти замирида ташкил этилган «Она тилидан таълим мазмунини янгилаш» тажриба майдончаси жамоатчилик асосида фаолият бошлади. Тажриба майдончаси ўз атрофида олим ва методистларни, шунингдек, ижодкор ўқитувчиларнинг катта гуруҳини бирлаштирган. Унда умумтаълим мактабларининг 5-9-синфлари учун янги мазмундаги дарсликлар яратиш устида жиддий иш олиб борилмоқда. 5-6-синф дарсликлари икки марта синовдан ўтказилди ва натижалари умумлаштирилди. 5-синф дарслиги синов қўлланмаси сифатида «Ўқитувчи» нашриёти орқали босмадан чиқарилмоқда, 6-синф дарслиги нашрга тайёрланди.

Анжуман ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошира бориб, она тили таълимидан мазмунан янги ўқув-методик адабиётлар мажмуасини яратиш ишида давом этди ва учинчи йиғин «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари» мавзуига бағишланди. Анжуман муҳокамасига қўйилган масала бўйича маърузалар тезиси тўплам ҳолида чоп этилди. Мавзу бўйича «Сўзи бойнинг ўзи бой», «Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш», «Она тили дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш» каби қўлланмалар анжуман муҳокамасига тақдим этилди.

Анжуманнинг она тили таълимига қўшган ҳиссаси яна шундан иборат бўлдики, ушбу соҳа мутахассислари ва амалиётчиларнинг бевосита мулоқотда бўлиб, ўзаро фикрлашувига, тажриба алмашишларига, шунингдек, тил таълимига оид янгиликлардан хабардор бўлишларига имкон яратди. Бундай жараён ўз-ўзидан жойларда мазкур таълим самарадорлигини оширишга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Чиндан ҳам УТДА ўз фаолияти давомида мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитиш мазмунини белгилаш, такомиллаштиришга оид жараённи мувофиқлаштириб турувчи Марказ сифатида ушбу таълимнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, кенг муҳокама қилиш ҳамда муҳим илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш каби ишларни амалга оширди.

Она тили машғулотларининг асосий вазифаси таълим олувчида ижодийлик, мустақил фикрлаш малакаларини чуқурлаштириб ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Зеро, ўқувчи луғати нечоғлик бой бўлса, у оғзаки ва ёзма ҳолда эркин фикрлай олади, тилнинг мавжуд ифода воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шу маънода, анжуман учинчи йиғининнинг таълим жараёнида сўз бойлигини ошириш муаммоларига бағишланганлиги ва IV йиғиннинг матн устида ишлаш малака ва кўникмаларни шакллантиришдек она тили таълимининг муҳим жиҳатларига қаратилиши табиий ҳолдир.

Айни пайтда «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуида ўтказиладиган анжуман IV йиғинини тайёрлаш ва ўтказиш мақсадида бевосита Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузурида вазир Жўра Йўлдошев раислигидаги фаол гуруҳ томонидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг доимий анжуман IV йиғинини ўтказиш хусусида қўшма буйруқ ҳамда жойларда доимий анжуманга вакиллар сайлаш тартиби бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, барча педагогика институтлари, университетлар ҳамда илмий-тадқиқот институтларига кўрсатма хат тайёрланиб юборилди. Хатда умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар (лицей, гимназиялар ва ҳ.) ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника ва педагогика билим юртларининг тил-адабиёт муаллимларидан; барча турдаги ўқув юртларида иккинчи тил сифатида ўзбек тили ва адабиётидан таълим берадиган ўқитувчилардан, бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячи-педагоглари ҳамда методистларидан; махсус таълим (дефектология) муассасалари ўқитувчиларидан вакиллар сайланиш назарда тутилади. Шунингдек, анжуманга олий ўқув юртларининг ўзбек тили кафедралари, илмий-тадқиқот институтлари бўлимлари ўз вакилларини юборадилар.

Анжуман «Мактабгача тарбия муассасаларида давлат тили», «Бошланғич таълимда она тилини ўқитиш», «Умумий таълим мактабларида она тили», «Таълим бўғинларида эски ўзбек ёзуви», «Ўқишлар бошқа тилларда (рус, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тилларида) олиб бориладиган синф (гуруҳ)ларда давлат тили таълими», «Таълим бўғинларида янги алифбони ўрганиш» шўъбаларида иш кўради.

УТДАнинг IV йиғинида она тили таълими мазмунини янгилашга алоқадор соҳа мутахассислари, шу жумладан, фан ва халқ таълими ходимларидан маърузалари ташкилий қўмита ҳамда таҳрир ҳайъати томонидан маъқулланган ва анжуман дастурига киритилган асосий маърузачилар, шунингдек, қўшимча маърузачилар иштирок этади.

Ўзбек тили доимий анжуманининг таълим бўғинларидаги ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари ҳамда республикадаги барча тил мутахассисларининг анъанавий қурултойига айланиб бораётганлигини эътироф қилган ҳолда мазкур йиғинни юқори савияда ўтказиш мақсадида жойлардаги халқ таълими мутасаддилари ушбу масалага жиддий ёндошадилар; соҳа мутахассислари, она тилимиз фидойилари анжуман ишида фаол иштирок этадилар, деган умиддамиз.

М. АБДУРАИМОВА,
Республика Таълим
маркази бўлим мудири,
педагогика фанлари
номзоди.

ШАКЛЛАРДА ШАКЛЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари ўтказиляпти. Шу муносабат билан немис тили фани чуқур ўргатилаётган Миробод туманидаги 60-ўрта мактабда «Кеттуркат» шакллар объектив театри ижодий жамоаси ўзларининг болажонларга бағишланган спектакларини намойиш этишди.

Спектакль замирида эзгулик ва ёвузликнинг азалий жанги, бу муҳорабада алалоқибат эзгуликнинг тантана қилиши ўз ифодасини топган. Ушбу томошалар болалар қалбида беғубор туйғуларнинг ниш уришига замин бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

Мен айнан шу кайфият оғушида, танаффусдан фойдаланиб, актёрлар томон йўл олдим. Уларни дам олаётгандир, деб ўйлагандим. Йўқ, ёпиқ парда ортида «қўғирчоқлар» машқ қилаётган эканлар. Грим қилмаган бир киши ниманидир ўргатяпти. Шу ердаги қизлардан секингина сўрадим.

— Кечирасиз, бу киши ким?

— Спектаклнинг ҳам актёри, ҳам режиссёри, ҳам ташкилотчиси Пётр Кеттуркат.

Мен у кишини суҳбатга тортдим.

— Пётр, сиз мазкур спектаклни саҳналаштирган режиссёр ҳам актёр экансиз. Айтинг-чи, бу спектаклни танлашингизга нима сабаб бўлди?

— Бу асарни танлашимнинг сабаби... Дунё ичра гўзал бир дунё бўлган болаликнинг беғубор, нурафшон кўчаларида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни қўғирчоқлар ёрдамида талқин қилиш.

— Яна болажонларга қандай томошалар кўрсатмоқчисиз?

—Яна биз «Эзгулик ва ёвузлик», «Ялмоғиз кампирнинг саргузаштлари» деб номланган янги спектакларни намойиш этмоқчимиз.

— Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида ижодий сафарда бўласиз?

— Довруғи етти иқлимга машҳур, қўҳна ва қадимий Самарқанд, Бухоро, Нукус шаҳарларида бўлиб, ўз санъатимизни намойиш этмоқчимиз.

Аслини олганда, қўғирчоқлар — мурғак авлод тарбиясида энг қулай восита. Болажонларда умид, ишонч, одамийлик ва яхшиликни шакллантириш ҳар қандай фалсафадан юқори туради.

У. ЖУМАЕВ.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал

Янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДИАФИЛЬМИ ЯРАТИЛДИ

Инсоният ибтидосида тараққиётнинг илк белгилари — шакллар бўлган. Ҳали нутқ, сўзлашув деган унсурлардан мосуво бўлган бобокалонларимиз шакллар, имо-ишоралар билан мулоқот қилишган (дарвоқе, ёзувнинг ўзи ҳам бундай ўйлаб қарасангиз — шаклда. Мунис айтадики

Ҳар сўзки, кўнгилдан ўлди мавжуд,
Хат (!) бўлмаса, бўлғай эрди нобуд)

Ўша ибтидо тарихимиздан келиб чиқиб, хулоса қилсак «Шакл-тараққиёт манбаи» деган ақидага эга бўламиз («Минг эшитгандан бир кўрган афзал» деган халқ мақоли ушбу ақиданинг бошқачароқ кўриниши).

Шаклни замонавий тилда расм, суврат дейишади. Бизнинг замондошларимиз ҳам анойи эмас. Улар ҳам тарихни обдон ўрганиб, шундай фикрга келишган: «Одам миясининг ривожланишида расмлар, сувратлар катта роль ўйнайди».

Олдинроқ сувратлар чизила бошланди (туйғуларни тарбиялайди). Кейинроқ диафильмлар яратилди (билим беради). Алалхусус, бир ботмон гапдан кўра, бир парча шакл инсоннинг ёдига тез сингийди (бобокалонларидан мерос!)

***

Мен биринчи ўзбек диафильми ижодкорлари билан гурунглашиб ўтирибман. Булар — «Ўзбектелефильм» студияси кинооператори Абдурашид Хўжаев, РТМ дефектология бўлими етакчи методисти Ҳуррият Нажимова, диафильм муаллифи, Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактабнинг дефектология фани ўқитувчиси Абдумутал Маткаримовлар.

— Аввало, диафильмнинг яратилиши ҳақида суҳбатлашсак.

Абдумутал Маткаримов гурунгни бошлаб беради.

— 1995 йилда Халқ таълими вазирлигида кўргазмали қуроллар кўрик-танлови ўтди. Унда мен «Лотин графикасидаги ўзбек ёзувини ўрганиш» слайдфильми билан қатнашдим. Кейин менда фикр туғилди. Шундан диафильм яратса бўлмасмикан? Тошкентга келиб, «Ўзбектелефильм» билан маслаҳатлашдим. Вазирлик маблағ билан ёрдам берадиган бўлди. Шу билан жараён бошланиб кетди.

Абдурашид Хўжаев гурунгни давом эттирди.

— Студияда ҳам шу ишга жуда қизиқиб кетишди. Ҳаммалари қўлидан келганча ёрдамини, маслаҳатини аямади. Ҳатто менинг ўзим ҳам диафильмнинг ўқувчиларга нечоғли фойда эканини билганимдан сўнг, унга бутун вужудим билан сингиб кетдим. Режиссёримиз Анвар Ёқубовнинг хизматлари айниқса катта бўлди.

«Расмли Алифбо» деб номланган ушбу диафильм 4495 нусхада чиқди. Бироқ ҳозирданоқ унга Тошкент шаҳридан 5 минг, Тошкент вилоятидан 8 минг, Наманган вилоятидан 3 минг буюртма тушган. Келгуси режалар ҳақида сўрадим. Абдумутал ака жавоб берди:

— Аввало диафильмимизнинг нусхасини кўпайтириш. Яна ниятимиз Амир Темур ҳақида диафильм яратиш. Расмлари тайёр бўлди. Агар ҳомий топсак, ишни бошлаб юборардик. Фурсатдан фойдаланиб, мен РТМга, дефектология бўлими бошлиғи Рихси Шомаҳмудовага, вазирлигимизга, «Ўзбектелефильм» студиясига берган катта ёрдамлари учун миннатдорчилик билдираман.

Асқар ШОКИР.



ТИЛ—ТАФАККУР КЎЗГУСИ

Тил — инсон тафаккурининг кўзгуси. Тил фанини эса барча фанларнинг онаси десак, муболаға бўлмайди. Чунки барча фанлар бўйича билимни ўқувчи тил воситасида ўзлаштиради ва ўз билимини тил воситасида намойиш этади.

Одоб ва одобиёт маъносини англатувчи адабиёт фани эса тарбия воситаларининг асосийсидир.

«Тил ва адабиёт таълими ҳамда «Преподавание языка и литературы» илмий-методик журналлари ана шу икки фанни ўқитиш масалалари бўйича ўқитувчиларнинг энг яқин ёрдамчиси, маслаҳатчиси ва кўмакчисига айланган.

Буюк истиқлолимиз ғоясининг дастлабки татбиқи бўлган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун туфайли нашр этилиш имкониятига эга бўлган «Тил ва адабиёт таълими» журнали кенг ўқитувчилар оммасига танилди ва уларнинг эътиборини қозонди.

Олти йилдан буён мунтазам равишда чоп этиб келинаётган бу журналда она тили ва адабиёт, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ҳамда чет тиллари фанлари бўйича материаллар нашр қилинади.

Ушбу журнал ижодий жамоаси, авваламбор, ўқувчилар нутқини ўстириш, уларга ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда саводли ва равон баён этишни ўргатишга мўлжалланган тамомила янги методикани тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1997 йилда журнал бу методиканинг назарий асослари ҳамда шу методика бўйича олиб борилаётган амалий ишланмаларни чоп этиб боришни давом эттиради. Бу материаллар журналнинг «Методика ва тажриба», «Тилшунослик», «Давлат тилини ўрганамиз» ҳамда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш масалаларига бағишланган «Илк сабоқлар» рукнлари остида бериб борилади.

Журнал саҳифаларидан, шунингдек, махсус рукн остида чет тилини ўқитиш бўйича ҳам материаллар ўрин олган.

Адабиёт фани бўйича журналнинг «Адабий тақвим», «Адабиётшунослик»,»Методика ва тажриба» рукнларида 1997 йилда адабиётшунослик фанидаги янгиликлар, адибларимиз ижодига янгича ёндашиш; дастур ва дарсликларга кирмаган, аммо ҳозирги кунда адабиёт ўқитиш жараёни учун зарур бўлган қўшимча материалларни чоп этиб бориш мўлжалланган.

Шунингдек бу журнал саҳифаларида келгуси йилда «Сураган экансиз» рукни остида ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар, «Амалий фойдаланиш учун материаллар» рукни остида дарс ишланмалари, диктант ва баёнлар учун матнлар, синфдан ташқари тадбирлар сценарийлари, ребус, кроссворд каби қизиқарли материалларни чоп этиш давом этади.

Журналда, шунингдек тилшунослик ва адабиётшунослик, тил ва адабиёт ўқитиш методикаси бўйича ёқланган диссертациялар ҳақида маълумот бериш давом эттирилади.

Ушбу журнал ижодий жамоаси муҳаррирлигида яна бир журнал — республикада рус тилида чоп этиладиган ягона илмий-методик нашр бўлган «Преподавание языка и литературы» журнали чоп этилади. Унда рус тилини она тили сифатида ҳам, чет тили сифатида ҳам ўқитиш, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг тил ва адабиёт ўқитишда методологик асос бўла оладиган жиҳатлари ҳамда чет тилини ўқитиш масалалари ёритиб келинган. Келгуси йилда бу журналда «Муаммолар, вазифалар, ечимлар», «Методика ва тажриба», «Тилшунослик», «Адабиётшунослик»,»Давлат тилини ўрганамиз», «Амалда фойдаланиш учун», «Бўлажак тилчи ўқитувчиларга», «Олий ва ўрта ўқув юртларида рус тили», «Адабий тақвим», «Чет тилини ўқитиш масалалари» каби рукнлар остида материаллар бериб бориш давом эттирилади.

Шунингдек журнал саҳифаларида мактабгача тарбия муассасалари учун рус тили ва чет тили бўйича амалиётда фойдаланадиган материаллар, «Иқтисодий билимлар», «Сўз мулкига саёҳат» каби янги рукнлар очиш режалаштирилган.

1997 йилга режалаштирилган яна бир янгилик шундан иборатки, юқорида тилга олинган иккала журнал саҳифаларида ёрдамчи мактабларда тил ўқитиш учун материаллар (дефектологлар учун материаллар), янги турдаги мактаблар: лицей ва гимназиялар учун қўшимча материалларни чоп этиш кўзда тутилмоқда.

Журналлар таҳририяти иккала журнал саҳифаларида ҳам тил ўқитишда чет эл тажрибасини ёритиш, ўқитувчиларимизни тил ўқитиш методикасининг энг янги технологияларидан воқиф этиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор беради. Шу боис, ҳам «Тил ва адабиёт таълими», ҳам «Преподавание языка и литературы» журналлари саҳифаларида қардош мамлакатлар, Россия ҳамда хорижий мамлакатлардаги бу соҳа янгиликларини ёритиб бориш мўлжалланган.

Аминмизки, мўлтарийларимиз бўлган тил ва адабиёт ўқитувчилари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, методистлар, бу соҳада илмий тадқиқот олиб борувчилар бизнинг бу режаларимизни амалга оширишда кўмаклашадилар.

Р. ТОЛИПОВА,
«Тил ва адабиёт таълими» ҳамда «Преподавание языка и литературы» журналлари бош муҳаррири.

Обуна—97

Ўқитувчи — ҳаёт зиёбони. У ёш авлод шуурига илм нурини сингдиради. Шу боис муаллим билим машъали доимо порлаб туриши керак. Машъал чароғонлигининг манбаи эса китоб, газета, журнал. Шунинг учун маърифат машъал бўлган газета муаллимнинг ҳамроҳига, янгилик излайдиган маънавий булоғига, зарур ҳолларда маҳорат оширишга даъват этадиган мактаб, ҳаёт кўзгусига айлангандир. «Маърифат» ҳам муаллимлар, тарбиячилар, барча халқ таълими ходимлари, ота-оналар, барча зиёлилар учун эъзозли газетадир. Мамлакатимиздаги барча вақтли матбуот воситалари қатори «Маърифат» газетасига ҳам обуна қизғин давом этмоқда.

Сиз унга обуна бўлдингизми? Вақт ўтиб бораяпти, обуна бўлишга шошилинг. Чунки маорифчи ҳамкасбларингиз таъкидлаганидек, «Маърифат»сиз маорифчи чинакам зиёкор бўла олмайди.

Донолар ўгити

«Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ».

Э. ХАББОРД.

* * *

«Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир».

А. ДИСТЕРВЕРГ.

* * *

«Қийин фанлар йўқ, фақат ҳазм қилиш қийин бўлган изоҳларгина бор».

А. ГЕРЦЕН.

* * *

«Маърифатнинг мақсади характерни тарбиялашдан иборатдир».

Г. СПЕНСЕР.

* * *

«Бировни ўқитиш учун ўзингни билимингдан ҳам кўра кўпроқ ақл талаб этилади».

Мишель Де МОНТЕНЬ.

Тўпловчи Шавкат САДРИДДИНЗОДА.

Орамиздаги одамлар

ҲАВАС ҚИЛГУДЕК УМР

Умри ёш авлодни тарбиялашдек серташвиш, аммо ниҳоятда масъулиятли ва савобли иш — мураббийликка бағишланган инсон билан суҳбатлашиш, унинг ҳаётий тажрибаларидан баҳраманд бўлиш юрагингга илиқ ҳис-туйғулар бахш этади. Беихтиёр орамизда ана шундай фидойилар ҳам кўплигидан фахрланиб кетасан.

География —қизиқарли фан. Шунинг учун бўлса керак, Клара Абдуллаева бу фанни ёшлигидан жуда ёқтиради. Мактабни тамомлагач, қизиқиш уни Тошкент Давлат дорилфунунининг география куллиётига етаклади. Мана, 35 йилдирки, Клара опа ўзи севган фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

Болалар қалбида ўз фанига чуқур муҳаббат уйғота олган Клара опанинг меҳнати Собир Раҳимов тумани халқ маорифи бўлими ва касаба уюшма ташкилоти, шаҳар ХТБ томонидан қўплаб мақтов ёрлиқлари, «Меҳнат фахрийси» каби унвонлар билан муносиб тақдирланди.

Муаллимани мактаб кутубхонасида учратдим.

— Ишни кутубхоначиликдан бошлаганим учунми, қитобга меҳрим ўзгача, — дея кулиб гап бошладилар. — Лекин ҳозирги пайтда ўқувчиларни китоб ўқишга жалб этиш осон бўлмаяпти-да...

— *Клара опа, биласиз, бугун кўпчилик хонадонларда аудио, видео деган нарсалар пайдо бўлган. Бу ўша оиланинг катталаридан кўра кўпроқ болаларни ўзига жалб этиши аниқ. Хўш, уйида бўлаётган қизиқ-қизиқ кинолларни кўйиб, бола «қаёқдаги» китобни ўқирмиди?*

— Ҳамма гап шунда-да!

...Клара опа билан ёшлар маънавияти, таълим-тарбия соҳасидаги ютуқ ва муаммолар хусусида узоқ суҳбатлашдик.

— Яқинда матбуотда эълон қилинган республикамиз Президентининг «Манавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини халқимиз ғоят самимият билан қабул қилди, — деди Клара опа суҳбатимиз сўнгида. — Президентимиз «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарлари билан учрашувда одамлар қалбида, айниқса, ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, бой маданий меросимиз, қадриятларимизга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш лозимлиги тўғрисида алоҳида уқтирдилар, бу ҳам бугунги ёшларда юқорида айтиб ўтилган баъзи салбийликларнинг олдини олса керак.

Мен бугун муборак 55 ёшларини нишонлаётган, ёшларга билим беришда, уларнинг маънавиятини камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсон ҳузуридан қайтар эканман, тилак қилдим: ёшларимиз бахтига, мустақил юртимиз келажаги йўлида ҳалол хизмат қиладиган ана шундай фидойилар ҳамиша омон бўлишсин...

Маъмура РЎЗИЕВА.

Футбол

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ БЎШ КЕЛИШМАДИ

Бу йилимиз спорт беллашувларига бой бўлди, деб ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин. Айниқса, бу йил футболчиларимиз учун жуда омадли келди. Республикамиз вилоят, туманларида бу ишга бевосита ҳокимларнинг ўзлари бош-қош бўлиши футболимиз нуфузининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асосларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўрсатилганидек, футбол федерациясининг президенти қилиб жойларда фақат ҳокимлар тайинланди. Кўрсаткичлар эса қувонарли. Яқинда Бахмал туманида бўлиб ўтган футбол ўйинлари ҳам фикримиз тасдиғидир.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан туман ҳокими кубоги учун бўлиб ўтган муросасиз футбол майдонидаги курашларда туман халқ таълими бошқармаси жамоаси ҳам бўш келгани йўқ. Дастлабки босқичларни кўтаринки руҳда ўтказиб финалга йўлланма олган маърифатчилар фақатгина 32-автокорхона вакилларига имкониятни бой бериб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

О. ҚЎЗИБОЕВ.

ТАБИБДАН «НОРОЗИ» БЎЛГАН БЕМОР

Ривоят

Абу Али ибн Сино машҳур табиб, ҳамма дардларни даволар эди. Шунақа одат бор эдики, ҳар қаердан келган беморларни Абу Али юрадиган йўлга ўтказар эдилар. Эрталаб тонг отгандан кейин Ибн Сино ўз уйидан ташқарига чиқиб, касалларнинг ҳол-аҳволи билан танишиб чиқиб айтарди: «мана бу одам бунақа касал ва унинг даво бунақа». Бир куни Абу Али касалларни кўраётганда бир беморнинг олдида тўхтади ва синчковлик билан қаради, унинг касаллиги тўғрисида ҳеч нима демади-да, бошқа беморларни кўришга ўтиб кетди. Ибн Синонинг бу муомаласидан беморда ғалати ҳолат вужудга келди. Дардманд киши тирикликдан кўнгил узди, даволаниб сиҳат-саломат бўлишдан қўл ювиб, тезроқ уйга олиб боришларини истади:

— Эй, азизлар, менинг ишим тамом бўлди, энди менга кафан, тобут тайёрланглар, дардимнинг давоси йўқ экан, Абу Али ибн Сино шунинг учун менга аҳамият бермасдан, ҳеч нима демасдан ўтиб кетди.

Касалманд киши ўзининг ўлимини кутиб уйда ўтирган эди,. уйнинг бурчагидан, тешикдан бир илон чиқиб, уйда сайр қила бошлади. Шу вақтда уйнинг ўртасида, косада сут турган эди. Илон косадаги сутга яқинлашиб, сутни ичди ва бир неча марта ағдарилиб, буралиб ўйнаб, яна косага ичган сутини қайд қилди. Илон уй тешигига қайта кириб ғойиб бўлганидан кейин беморга бир фикр келди:

«Менинг ўлимим яқин экан, косадаги сутни ичиб, тезроқ жонимни азобдан халос қилайин».

У аниқ бир қарорга келди ва косадаги сутни ичиб юборди. Лекин бир неча соатдан кейин унинг дарди таскин топиб, соат сари аҳволи яхшиланди, беморда соғ ва саломат шифо топиш умид-истаги пайдо бўлди. Бир неча кундан кейин эса ўз яқинларидан, Абу Али ибн Сино йўлига ўтказишларини сўради. У табибга ўз норозилигини баён қилмоқчи бўлди. Уни Ибн Сино йўлига ўтқаздилар. Абу Али уйдан чиқиб уни кўрди ва ҳайратланиб сўради:

— Эй йигит, сен илоннинг қайтини қаердан топдинг, сенинг дардингнинг давоси илоннинг қайти эди, сен уни қандай топдинг? Уни топиш қийин эди, шунинг учун айтмагандим.

Бемор бошидан ўтган воқеани батафсил Абу Али ибн Синога ҳикоя қилди.

Тожикчадан Мирали БЕРДИЕВ таржимаси, Зафаробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Ҳунар таълими илмий тадқиқот институти 1996 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— педагогика тарихи ва назарияси;
— меҳнат ва ҳунар таълими назарияси усулиёти.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— таржимаи ҳол;
— илмий мақолалар рўйхати ёки реферат;
— олий ўқув юртини битиргандан сўнг бевосита аспирантурага тавсия этилган шахслар учун Давлат имтиҳон комиссиясининг қайдномасидан кўчирма;
— диплом нусхаси ва синов қайдномасидан олинган кўчирма;
— меҳнат дафтарчаси;
— икки дона сурат(5х6 ҳажмда);
— номзодлик имтиҳонлари топширган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000. Тошкент шаҳри. Пушкин кўчаси, 7-уй.
Тел: 36-23-27, 36-22-12.

«МУАЛЛИМ, АЙТИБ БЎЛДИ...»

Ҳажвий ҳикоя

Қора ака кундагидек журналини қўлтиқлаб, синфга кирди. Болалар шошиб-пишиб ўринларидан туришди.

— Салом, болалар!

— Салом.

— Рухсат, ўтиринглар. Қани, ким доскага чиқади?

Икки-уч ўқувчи олдинма кейин қўл кўтаришди.

— Жалгасбоев, қани, сен чиқчи!..

Орқа партада ўтирган бола йўргалаб доскага чиқди-да, бидирлаб сўзлай кетди.

— Абай билан Шакарим қариндош бўлган. Иккиси ораларидан қил ўтмас дўст бўлган. Иккиси мусобақалашиб шеър ёзишган. Баъзан қизларга ҳам шеърий мактуб йўллашган. Масалан, «Айтдим салом, Қаламқош» мм...мм ...«Муҳаббатсиз дунё бўш»... мм...мм... «Елсиз тунда ёруғ ой» ...мм...мм... «Кўзимнинг қораси»... Баъзан улар...

Жалгасбоев нима билса, ҳаммасини айтди. Бироқ унга Қора ака эътибор бермади. Ёдига кечаги тўйнинг хабари тушди. Шаманайдаги қудалари боласини уйлантирар экан. Сўз йўқ, бориши керак. Хўш, тўйга нима олиб боради? Боқиб ўтирган ола буқани олиб борса-чи... Борса дейдия, уни қандай етказади, тайёр машина бўлмаса. Совхоз директоридан сўрасам-чи? Қайдам, берса яхши, бир-икки марта сўраб, қуруқ чиқанини эслади...

— Муаллим, Жалгасбоев айтиб бўлди, — деди олдинги ўринда ўтирган оқ кўйлакли қиз. Қора ака аланглаб у ён-бу ён қаради.

— Нимани?.. Ҳа ўтир, — деди шошқалоқлаб. — Яна ким чиқади?

Доскага яна бир бола чиқди.

— Абай Қунонбоев Шакарим Худайберганов билан қариндош бўлган...

Қора ака ўйини давом эттирди. Эрталаб уйдан чиқишида хотини: «Қайтишингизда дуконга кириш эсингиздан чиқмасин» деган. Кулимсиради. Доскадаги болага қаради. Оғзи қимирлаяпти. «Қизиқ» деди ўзича. Бариси менга қарайди. Нега, ўзи бормайди. Бошқаларнинг хотинини кўрсанг... Дўкончимиз ҳам яхши эмас. Қантга майда гурунч қўшиб сотади, худодан қўркмайди. Хўш, тўйни нима қиламиз...

— Муаллим, айтиб бўлди, — деди ўртада ўтирган шаддодгина қиз.

— Муаллим мен чиқай...

— Майли, чиқа қол.

«Дарсдан сўнг, обизателни, машина излаш керак. Чой пулини берсам, Бахтиёр олиб бормасмикан? Олиб борса керак? Эсим қурсин, ҳали мактаб директоридан рухсат сўрашим керак эканку. «Ўрнингга одам топ» дейиши турган гап. Ўрнимга ким тайёр турибди экан? Тиловбойга айтсаммикан? Э, ундан ёруғлик чиқармиди? Унинг ҳам иши кўп... Дам бозор, дам дала...»

— Муаллим, айтиб бўлди...

Қора ака режаларининг бўлиниб кета берганига ранжигандай қовоғини уйди.

— Нима, жуда оз айттинг-ку, — деди орқасига бурилиб Қора ака. Барисига «беш» қўйшга қизғаниб, журналга қўли бормади.

— Муаллим, барисини айтди. Кўп айтди,— деб қичқирди болалар. Қора ака ноилож журналга энгашди.

Қўнғироқнинг жиринглаган овози эшитилди.

— Эртага Бейимбет Майлинни ўқиб келасизлар, — деди Қора ака синфдан чиқар экан. «Бир соат кўзни очиб-юмгунча ўтиб кетди-я. Ҳа, умр ўтиб кетяпти». У директорнинг кабинетига қараб шошилиб бормоқда.

Рухсат сўраш керак. Нима қилсин. Иши кўп...

Б. АДИЛОВ.
Қозоқчадан Қидирбой ТЎЛАБОЕВ таржимаси.

In English

ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER SEPTEMBER 1996 ISSUE 21

Letter from the Editor

Welcome back to school!!! Many changes have taken place here at In English. The biggest is that we no longer publish in Tashkent but are now based out of the Samarkand State Institute of Foreign Languages. This is an exciting change that places In English in one of the innovative language institutes in the country. We hope this change will continue to improve the quality and usefulness of In English for the teachers who read it.

Our new address is

In English
c/o SamSIFL
Akhunbabayev St.93
Samarkand 703004

Hope to hear from you soon.

Sincerely,
Anne Hauk
Editor

The Legend of Fergana

Once upon a time, there was a big lake filled with pure water. A beautiful girl lived with her family in this lake. The girl liked to sit on the beach and to comb her beautiful, long hair. A handsome young man also lived near this lake and one fine day he saw this girl and fell in love with her at first sight. Every day he yearned after her, but he could not confess his love. One day when he was watching, he saw that a big wolf was going to attack the girl. He came out of his shelter and fought with the wolf. He saved his beloved girl. Because of this the girl also fell in love with him. But her parents didn't allow her to marry the man from the Earth and the girl remained in the lake. But they didn't give up; he worked very hard; he created a big garden near the lake. The girl's parents saw his work and diligence and gave their daughter permission to marry him. And this beautiful couple lived together in a village near the lake. They lived happily ever after. And people called this place, where this beautiful girl lived 'Pari-hona' which means the city of an angel.

"One day when he was watching, he saw that a big wolf was going to attack the girl."

WHAT MYTHS COME FROM YOUR CITY OR REGION? WHAT STORIES DO YOUR STUDENTS HAVE TO TELL?

Note: Pari is a word which denotes a very beautiful woman who knows everything. In the past it was used to address women.

Dona Teshabaeva, a fifth year student at Fergana University, wrote this legend when their teacher, James Schultz, asked his students to tell him an Uzbek myth.

Hidden Colors: Black, White, Red. . .

Find the name of a color hidden in each sentence: (The first one has been done as a sample.)

1. Some parts of the face are the eye, eyebrow, nose, and mouth.
3. If I tell you what she said, will you agree never to tell anyone?
4. In the box we found a pencil, a pin, keys, and a few coins.
5. Are three zeros enough to write the number one thousand?
6. The wheelbarrow hit eleven rocks as it rolled down the hill.
7. When the nurse gives you the injection, just yell "Ow" if it hurts.
8. Elsa and Otto ran gently down the path to the river.
9. Before arriving at Kuala Lumpur, please fill out these forms.
10. I play nearly all the stringed instruments: violin, cello, bass viol, etc.
11. When I opened the window, shining rays of sunlight flooded the room.
12. We'll go in Jim's car. Let's leave at six o'clock.

Answers

1. brown, 2. black, 3. green, 4. pink, 5. rose, 6. white, 7. yellow, 8. orange, 9. purple, 10. violet, 11. gray, 12. scarlet.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва мусиқа-педагогика факультети жамоаси Халқ чолғу асбоблари кафедрасининг ўқитувчиси Ш. Раҳимовга отаси

Нормат РАҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Узбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ўринбосари Оптобхон Азимовага умр йўлдоши

Сулаймон АЗИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар ШОКИРОВ, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.